

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

**А.Ўринов, Ш.Каримов**

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш .....5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов**

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили .....13

**Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров**

Туюқш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш .....20

КИМЁ

**Б.Махкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова**

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш .....25

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова**

Ҳашарот хужайраларини паст ҳароратли муҳитда узоқ муддат сақлашнинг оптимал шароитларини танлаш .....29

**А.Ахунов**

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари .....32

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ТАРИХ

**К.Тухтабеков**

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари .....36

**У.Жўраев**

Советлар даврида таълим тизимини мафкуралаштириш (1950-1980 йиллар) .....40

**Е. Гордеева**

Калтаминор маданияти мафкураси тўғрисидаги масалага доир .....43

**И.Раҳимов**

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири .....47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**А.Ўтамуродов, Б.Турсунов**

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи .....50

**Т.Алимардонов, А.Азимов**

Ўтиш даврининг классик модели .....54

**Ф.Мирзаева**

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиия тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари .....58

**И.Тоиров**

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари .....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**А.Акбаров**

Фирдавсий тақдири Хайнрих Хайне талқинида .....66

**Р.Тошниёзова**

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари .....70

**М.Хамидов**

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи .....75

**А.Қаюмов**

Уруш – миллий характер кушандаси .....77

**М.Эрназарова**

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари .....81

ТИЛШУНОСЛИК

**Ш.Искандарова, М.Омонов**

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар .....85

УДК: 1+930.1

ЎРТА ОСИЁДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ДУХОВНОГО ПУТИ НАКШБАНДИЙА-МУДЖАДДИДИЯ  
В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИTHE PECULIARITIES OF THE DEVELOPMENT OF THE SPIRITUAL PATH OF  
NAQSHBANDII-MUJADDIDI IN CENTRAL ASIA

Ф.Мирзаева

**Аннотация**

Мақолада Нақшбандия-Мужаддибия тариқатининг келиб чиқиши, мазкур тариқатнинг Ўрта Осиёда тарқалиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тасаввуф таълимотида тутган ўрни ва аҳамияти, тариқат шайхларининг жамиятнинг маънавий ҳаётидаги роли манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

**Аннотация**

Статья посвящена происхождению учения о праведном пути Накшбандийа-Муджаддидийа, развитию его в Центральной Азии, а также освещены основные характерные особенности, место его в суфизме и роль, отведенная этому учению в социально-духовной жизни праведных шейхов с помощью различных источников.

**Annotation**

This article is devoted to the origin of Naqshbandii-Mujaddidi and its spread in Central Asia. The main peculiarities and significance of Naqshbandii-Mujaddidi are also elucidated in this article. The analyses of the role of righteous path in the spiritual life of community are given.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ўрта Осиё, тасаввуф, Нақшбандия-Мужаддибия тариқати, шариат, мурид, шайхлар

**Ключевые слова и выражения:** Средняя Азия, суфизм, орден Накшбандийа-Муджаддидийа, шариат, мурид, шейхи.

**Keywords and expressions:** Central Asia, sufism, Naqshbandii-Mujaddidi order, shariah, murid, shaykhs.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз маънавий ҳаётининг салмоқли жиҳатини акс эттирган тасаввуф таълимоти ва тариқатлар тарихини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилишга катта аҳамият берилди. Хусусан, Нақшбандия-Мужаддибия тариқатининг ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли тарихи, жамият ҳаётида тутган ўрни, диний-фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлар тизимини кенг ва ҳар томонлама ўрганишга катта имкониятлар яратиб берилди.

Нақшбандия тариқати XVII-XVIII асрларга келиб, янги – Нақшбандия-Мужаддибия кўринишида тараққий топди. Бунда, нақшбандия тариқатининг назариётчиларидан бири, айна пайтда юртимизда фаолият олиб бораётган деярли барча тариқатларнинг силсиласида номи зикр қилинган, XVI аср охири ва XVII аср бошларида Ҳинд диёрининг Сирҳинд шаҳрида яшаб ўтган Аҳмад Сирҳиндий ал-Форуқий ар-Раббоний(1564-1624)нинг ўзига хос ўрни бор.

Аҳмад Сирҳиндий “Имом Раббоний” ва “Мужаддиди алфи

соний”, яъни, “иккинчи минг йилликнинг янгилувчиси” каби шарафли номлар билан шуҳрат қозонган [1, 51]. Нақшбандия тариқатининг “мужаддибия”, деб аталиб кетишига ҳам Аҳмад Сирҳиндийнинг мазкур номи сабаб бўлган эди.

Аҳмад Сирҳиндий Нақшбандия-Мужаддибия тариқатининг обрў-эътиборини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Унинг асосий хизмати тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабга мослаштириш, уни шиаликка хос хусусиятлардан тозалаш бўлган. Чунки Нақшбандия-Мужаддибия тариқати кенг тарқалган даврларда аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодининг энг ашаддий рақиби шиалар ҳисобланган. Аҳмад Сирҳиндий тасаввуф таълимотини шариат меъёрлари билан тўлиқ мослаштиришга интилган, шариат ва тариқатни ғайриисломий ақидалардан тозалашга ўзининг холисона хизматини қўшган, асл динни муҳофаза қилишга ҳаракат қилган ва ўша даврда инсонлар эҳтиёж сезган диний

Ф.Мирзаева – ФарДУ фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси.

масалаларнинг янгича тақдим шаклини шакллантирган. Шу туфайли Нақшбандия-Мужаддия тариқати сунний йўналишдаги аҳоли орасида кенг ёйилган.

Аҳмад Сирҳиндий Ўрта Осиёда ривожланиб бораётган жаҳр, рақсу-самоъ, нафл намозларини жамоатда ўқиш ва чиллада ўтириш кабиларга қаршилиқ билдирган ва ушбу бидъатларни нақшбандия тариқатини бузишга қаратилган бузғунчилик, деб қоралаган. Хусусан, алломанинг “Мактубот” асаридagi турли табақа вакилларига ёзган мактубларида ҳам ушбу фикрларимиз ўз аксини топган.

Жумладан, 27 мактуб Хожа Умакка ёзилган бўлиб, у шундай сўзлар билан бошланади: “...Олий нисбат нақшбандия тарихи бузруглариинг мадҳи тўғрисида битилди. Тангри уларнинг сирларини муқаддас қилсин. Алҳамдулиллоҳ, бу мухлис номига марҳаматномаларини юборган ул тақво соҳибгаким, саломлар бўлсин! Мактуб мазмуни бизни қувонтириб, масрур этмиш. Саломат бўлғайсизким, нақшбандия олий силсиласи хусусида олқишлар айтиб, сизни уринтиришни истамасмиз. Бу бузругнинг, яъни маҳдумимиз (Тангри сирларини муқаддас қилсин.) силсилалари баёнида воқеъ бўлубдики, ҳамма нисбатлардан юксакроқ нисбат ҳозирлик ва огоҳлиқдир. Ва уларнинг наздида ҳозирлик мўътабардир. Ҳозирлик беғайбийатдур, “Ёддошт”да юзага келмиш. Бас, шундай экан, бу азизларнинг нисбати “ёддошт”дан иборатдир. Бу фақирнинг фаҳми ожизича, “ёддошт” нинг асоси ҳазрат таоло ва тақаддусдин содир бўлгучи ул зотнинг зуҳуридан иборат-тажаллийи зотдир. Ва бу зуҳурда асмоъ, сифат, шайъун ва эътиборат мулоҳазасиз мавжуддир. Бу тажаллини “барқий” дермишларки, “ламҳи басир”, яъни, жуда тез фурсатда шайъун ва эътиборат орадан кўтарилиб, яна пайдо бўлур.....” [2, 131].

Аҳмад Сирҳиндий “Ваҳдату-л-вужуд” ва бошқа шубҳали ҳисоблаган масалаларни ғоят ойдин бир шаклда изоҳлаб, инсонлар зеҳни ва қалбини ботил ишончдан, бузук эътиқоддан ва бидъатдан тозалади. Аҳли сунна ва-л-жамоат эътиқод поклигини сақлашга интилди [3, 258].

**Ваҳдату-л-вужуд** – вужуднинг бирлиги. Оллоҳдан бошқа борлиқ йўқлигини билиш шуурига соҳиб бўлишдир. Бу назарияга кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Оллоҳнинг

турли-туман тажаллийлари, зуҳурлари, тахайюллари ва кўринишларидан бошқа бир нарса эмасдир. Ваҳдату-л-вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли билан билинади, мушоҳада этилади. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Оллоҳда мужассамланган, моддий олам Оллоҳнинг нури, шуъласидир. Ваҳдату-л-вужуд намояндалари Оллоҳ бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблашган [4, 61].

Аҳмад Сирҳиндийнинг фикрича, ваҳдату-л-вужуд соликка ориз бўладиган бир ҳолдир. Мана шунда суфий одамга кўринадиган ҳамма нарса бир вужуд бўлиб қолади. Аммо солик илоҳий тавфиқ ила набавий ҳадийга рафиқ бўлиб турса, бошқа бир мақомга эришади. Бу мақом ваҳдату-л-вужуд мақомидан устун бўлиб, ваҳдату-ш-шуҳуд, деб аталади. Ваҳдату-ш-шуҳуд даражасига етган соликнинг шоҳидлиги фақат вожибу-л-вужуд (Оллоҳ)нинг ёлғиз Ўзи бўлиб қолади. Бошқа нарсалар ўзлари мавжуд бўлса ҳам унга йўқдек бўлиб қолади.

Нақшбандия-Мужаддия тариқатининг илк даврида минтақада ўзига хос илмий-тасаввуфий муҳит яратилдики, бу, бевосита мазкур тариқатнинг кейинги ривожланиш даражаларини ҳам белгилаб берди. Ана шундай илмий муҳитнинг яратилишида, албатта, тариқат шайхларининг ўрни беқиёсдир. Зеро, шайхларнинг жамиятнинг маънавий ва сиёсий жиҳатдан ривожланишига бўлган масъулияти кейинчалик бошқа тариқатлар учун ҳам одатга айланди. Ўрта Осиёдаги тасаввуф тариқатлари шайхларининг фаолияти минтақанинг ижтимоий, сиёсий ва диний ҳолатига катта таъсир кўрсатди. Мужаддиянинг кўплаб шайхлари Ўрта Осиёда ушбу таълимотни мустаҳкамлаб, бу ердаги аввалдан мавжуд бўлган нақшбандий жамоалар билан бирга аста-секинлик билан бошқа тариқатларни сиқиб чиқарган маҳаллий таълим марказларига асос соладилар.

Барча нақшбандия шайхларини бирлаштирувчи ҳалқа – Аҳмад Сирҳиндий бўлиб, бунда унга мужаддиянинг сиёсий қарашлари шариат ва суннатга мос бўлгани кўл келади. Бу тариқатларда ҳал қилувчи ролни шайхлар ўйнаган. Шайхларнинг мусулмон жамиятининг маънавий ва сиёсий жиҳатдан ривожланишига бўлган

масъулияти кейинчалик бошқа сулуклар учун ҳам одатга айланди [5, 322].

Шайх Аҳмад Сирҳиндийнинг асҳоб ва муридлари орасида мавлоно Абдулғафур Самарқандий, мавлоно Юсуф Самарқандий, шайх Абдулхай Сағониёний, мавлоно Солих Кўлобий каби бир неча ватандош алломаларимиз номлари ҳам учрайди. Шунингдек, мавлоно Муҳаммад Сиддиқ Кешмий, шайх Тоҳир Бадахшоний, хожа Муҳаммад Ҳошим Кешмий ва Бадриддин Сирҳиндийларнинг Нақшбандия-Мужаддия тариқатининг Мовароуннаҳрга кириб келиши ва тарқалишида хизматлари беқиёс бўлган.

Нақшбандиянинг икки анъанавий маркази – Бухоро ва Самарқанд мужаддиянинг қувват қалъасига айланди, аммо, Насафда ҳам харизматик мужаддия

шайхлари атрофларига кўплаб шогирдлар йиққанлар. Бу ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз навбатида, ватанларида ушбу таълимотнинг раҳнамоларига айландилар, натижада, мужаддия шайхларининг фаолияти кўплаб шаҳару қишлоқларни қамраб олган ҳолатлар вужудга келган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Нақшбандия-Мужаддия тариқати асрлар оша ривожлана борган, тасаввуфдаги илгари амалда бўлган қаттиқ қоидаларни бир қадар юмшатган, мўътадиллаштирган. Ҳар бир географик ҳудудда, ўша ернинг ижтимоий ва сиёсий ҳолатидан келиб чиқиб, у ерга мослаштирилган. Мазкур тариқатга хос хусусиятлардан бири ҳам унинг муайян бир минтақага боғланиб қолмай, балки бутун мусулмон диёри бўйлаб кенг тарқалиб кетганлигидадир.

#### Адабиётлар:

1. Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001.
2. Жуманазаров А. Хилват аҳли. – Т.: ТДПУ, 2004.
3. Камилъ Й. Тасаввуф и Тарикаты. – М.: САД, 2007.
4. Ваҳдату-л-вужуд // Ислом. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
5. Анке фон Кюгельген. Расцвет Накшбандия-Мужаддия в средней Трансоксании с XVIII – до начала XIX в.в.: опыт детективного расследования. /Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург, 2001.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).